



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 02 | pp. 34-41 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

МОЛИЯВИЙ ИЖАРА БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Камилов Мирзохид Мирсабитович

Тошкент Давлат Иқтисодийёт Университети

изланувчиси (DSc), и.ф.н. доцент

E-mail: kamilov.m.m@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида молиявий ижара (лизинг) хизматларининг солиққа тортишнинг назарий ва амалий долзарб муаммолари таҳлил қилинган, лизинг фаолиятининг афзаллиги ва ҳавф хатарлари (рисklar), бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган, молиявий ижарани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш борасида илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Молиявий ижара, лизинг, лизинг шартномаси, солиққа тортиш, қўшилган қиймат солиғи.

Аннотация: В данной статье проанализированы теоретические и практические проблемы налогообложения финансовой аренды (лизинга) в Республике Узбекистан, изучены преимущества и риски лизинговой деятельности, мнения и суждения зарубежных и отечественных ученых, разработаны научные предложения и рекомендации по совершенствованию механизма налогообложения финансовой аренды.

Ключевые слова: Финансовая аренда, лизинг, договор лизинга, налогообложение, налог на добавленную стоимость.

Abstract: This article analyzes the theoretical and practical problems of taxation of financial lease (leasing) in the Republic of Uzbekistan, examines the advantages and risks of leasing activities, opinions and judgments of foreign and domestic scientists, and develops scientific proposals and recommendations for improving the mechanism of taxation of financial lease.

Keywords: Financial lease, leasing, leasing agreement, taxation, value added tax.

Кириш. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг молиявий хизмат турлари, жумладан ижара (молиявий ва оператив ижара, лизинг, суғурта ва бошқа хизмат турлари кенг оммалашиб бормоқда. Ўзбекистонда ижара муносабатларини тартибга солувчи «Ижара тўғрисида» қонуни қабул қилиниши ҳам шундан далолат беради. Мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ҳамда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган ижара механизмларини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Бу борада қабул қилинган “�ўзбекистон — 2030» стратегиясида саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мақсадлари кўзланди. Хусусан, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўринларини яратиш, йирик корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий корхоналар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйган корхоналарни фаол рағбатлантириш тизимини жорий қилиш. Ҳар бир туманда замонавий технологик саноат зоналарини ташкил этиб 2030 йилгача юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсад қилинган¹.

Албатта назар тutilган бундай замонавий технологик саноат зоналарида фаолият юритувчи корхоналарда асосий фондларини технологик жиҳатдан янгилаши уларда юқори самарадорликка эришиш имконинини беради. Бу эса кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектларида асосий воситалар ва уларнинг амортизация қилиш услубларини тўғри танлаш, асосий фондларни реконструкци ва модернизация қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишни оптимал ташкиллаштиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳада бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ корхона ва ташкилотларда ушбу турдаги активларни бухгалтерия ҳисобида юритилишига янгича ёндашиш зарурлигини белгилаб бермоқда.

Молиявий ижара (лизинг) компаниялари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар учун ўзаро манфаатли ижара хизматлари таклиф этилиши мазкур соҳанинг истиқболли эканлиги ва имкониятлари юқорилигидан далолат беради. Бугунги кунда молиявий ижара хизматларининг кўлами ва ривожланиши ўз навбатида мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшиши муқаррар.

Мамлакатимизда қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва преференциялар асосида ижара механизмларини қўллаш амалиёти тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга, улар томонидан узоқ муддатли активларни олиш ва фойдаланиш имкониятларини янада оширади. Шунинг билан бирга, ижара амалиётларини ижара корхоналари ҳамда банк муассасаларини жалб этган ҳолда қўлланилиши биринчи навбатда ички бозорда рақобат муҳитини яратади, иккинчидан хорижий молиявий ташкилотларининг ҳам бундай молиявий операцияларни мамлакатимизда молиялаштиришга қизиқтириши ва инвестиция маблағларини жалб этиш имкониятини ҳам очиб беради.

Бу эса ўз навбатида, молиявий ресурслари маълум даражада чекланган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятларига зарур бўлган техник жиҳозлар, машиналар ва асбоб-ускуналар, яъни узоқ муддатли активлар ҳисобланадиган асосий воситаларни харид қилишга сарфлайдиган маблағларини тежашга ҳамда уларни замонавийлаштириб янгилашга имкон беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони, 1-илова, т/р. 48.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда молиявий ижара механизмларидан фойдаланиш айниқса ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган ва ресурсларга эҳтиёжи мавжуд бўлган субъектлар учун жуда қулай имконият бўлиб, уларнинг ҳарид билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ ечиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мазкур мавзуга оид хорижлик иқтисодчи олимлар ва ўзимизнинг иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар молиявий ижара бўйича ўз фикр мулоҳазалари ва илмий ёндашувлари бир қанча илмий адабиётларда атрофлича баён этилган. Жумладан, молиявий ижаранинг ўзига хос хусусиятлари айрим хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий давлатларда молиявий ижара ўтган асрнинг 50 йиллар охири 60 йилларнинг бошида пайдо бўлди. Масалан, Буюк Британияда биринчилардан бўлиб 1960 йилда “Mercantile Leasing Corporation” лизинг компанияси ташкил этилди.

Айнан молиявий ижара (лизинг) асосий фондларга капитал қўйилмаларнинг асосий ишончли манбаидир. Ривожланган давлатлар бизнесга молиявий ижара хизматларини кўрсатиш борасида катта тажрибага эга. Хусусан, лизинг шартномалари бўйича жаҳон бозорининг қарийб 50 фоизи АҚШда жамлаган. Францияда лизинг битимлари асосан кўчар мулк объектларига кейинчалик уни сотиб олиш ҳуқуқи билан тузилади. Япония, Швеция, Норвегия, Хитойнинг кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари лизингдан фаол фойдаланади. 2021 йилда лизинг операциялари ҳажмининг энг юқори ўсиши Болтиқбўйи, Туркия, Словения ва Швецияда қайд этилган².

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда илмий мушоҳада, экспертлар баҳоси, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, контент ва инвент таҳлил, тизимли ва омилли таҳлил каби усулларидан фойдаланилди. Мазкур тадқиқот усуллари молиявий ижара механизми бўйича хулоса ва таклифларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда қабул қилинган «Ижара тўғрисида» қонунига асосан ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин. Бунда ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш ижарачининг ўз маблағлари, шу жумладан ижара шароитида хўжалик фаолиятини олиб боришдан келган даромадлар, ижарачига қарашли мол-мулкни сотишдан тушган пул, шунингдек кредитлар ҳамда амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган усуллар билан қўлга киритилган бошқа молиявий маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган³.

Мамлакатимизда ижара ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 6-сонли БҲМС «Ижара ҳисоби» асосида юритилади⁴. Ижара – келишувга биноан бир томон (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) ҳақ эвазига вақтинчалик

² Lease Europe. Key Facts and figures – 2021 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.leaseurope.org/_flysystem/s3?file=Statistics/Facts%20and%20Figures/LeaseuropeF%2021.pdf.

³ «Ижара тўғрисида» қонуни 18-моддаси

⁴ «Ижара ҳисоби» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС)

эғалик қилиш ва фойдаланиш ёки келишилган муддат давомида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беришдир. Ижара субъектлари бўлиб, ижарага берувчи – мулкнинг эгаси ёки қонунчиликка мувофиқ ёки мулкдор томонидан мулкни ижарага бериш учун ваколатланган шахслар ҳамда ижарага олувчи (ижарачи) — ижара шартномаси асосида мулкни ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти мақсадларига кўра молиявий ижара (лизинг) ва оператив ижара ажратилади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ шартнома бўйича мол-мулкни (молиявий ижара объектини) 12 ойдан кўп муддатга эғалик қилиш ва фойдаланишга бериш чоғида юзага келадиган ижара муносабатлари молиявий ижара ҳисобланади. Молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим⁵:

- молиявий ижара шартномаси муддати тугагач, ижара объекти ижарачининг мулкига ўтказилса;

- молиявий ижара шартномаси муддати ижара объекти хизмат қилиш муддатининг 80%идан ошса ёки ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматини камида 20%ини ташкил этса;

- молиявий ижара шартномаси муддати тугагач, ижарачи молиявий ижара объектини шартномада белгиланадиган қатъий нарх бўйича ҳақини тўлаб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

- молиявий ижара шартномаси амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати объектнинг уни ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90%идан ошса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик асосида аниқланади.

Молиявий ижарада молиявий ижара объектига эғалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча хатарлар ижарага олувчига ўтказилади.

Молиявий ижаранинг энг кўп тарқалган тури лизинг ҳисобланади. Молиявий ижаранинг алоҳида тури “лизинг” деб аталиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига кўра учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномаси бўйича шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) олади ҳамда уни белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шартнома бўйича эғалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ҳақ эвазига беради. Молиявий ижара (лизинг) шартномасининг тарафи бўлган ижарачига (лизинг олувчига) молиявий ижара (лизинг) предметининг харидори сифатида қаралади.

Хар қандай юридик ёки жисмоний шахс лизингга берувчи, лизингга олувчи ёки сотувчи бўлиши мумкин. Мажбурий шарт – лизинг объекти тадбиркорлик мақсадларида ишлатилиши керак. Лизинг фаолияти лицензияланмайди.

Лизинг шартномаси бўйича лизингга берувчи лизингга олувчининг топшириғига асосан сотувчидан мулкни сотиб олади. Кейин лизингга берувчи ушбу

⁵ Солиқ Кодексининг 54-моддаси

мулкни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради⁶.

Лизинг шартномаси уч томонлама бўлиши мумкин, унинг томонлари сотувчи, лизингга берувчи ва лизингга олувчи ҳисобланади ҳамда сотувчи иштирокисиз икки томонлама ҳам бўлиши мумкин, бунда эса лизингга берувчи ва сотувчи ўртасида лизинг объекти бўйича олди-сотди шартномаси алоҳида тузилади.

Лизинг объектларига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар, яъни корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар ва иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, бошқа кўчар ва кўчмас мулклар кириши мумкин.

Ўз навбатида лизинг шакллари иккига бўлинади:

- тўғридан-тўғри шакл, бу барча учала лизинг субъектларининг иштирокини назарда тутди;
- қайтариладиган шакл, бунда лизингга олувчи ва сотувчи бир шахс сифатида ҳаракат қилади. Сотувчи, шунингдек лизингга олувчи олдин объектни лизингга берувчига сотади, кейин уни лизингга олади.

Лизингга олувчи лизингга берувчига тўлайдиган лизинг тўловларига лизингга олинган объект қийматининг қопланиши ва фоизли даромад киради. Тўловлар миқдори ва даврийлиги лизинг шартномасида тўлов жадвали шаклида белгиланади, фоизлар асосий қарз қолдиғидан ҳисобланади. Лизинг тўловлари суммасини тўғри ҳисоблаш муҳим. Улар лизингга берувчининг асосий қарзи ва фоиз даромадларини ўз вақтида қоплаши шартдир.

Лизинг тўловларини ҳисоблаш тартибини шартли мисолда кўриб чиқамиз. 2022 йил декабрь ойи охирида лизингга берувчи ускуна сотиб олиб, 200 млн. сўмга лизингга берди. Лизинг муддати – 5 йил. Фоизли даромад – йилига 18 фоиз, имтиёзли даври йўқ. Тўловлар тенг улущларда амалга оширилади.

Лизинг тўловларининг йиллик суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

A – йиллик аннуитет тўловлари;

K – аннуитет коэффиценти;

S – кредит суммаси.

Аннуитет коэффиценти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

i – кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси;

n – кредит тўланиши давомидаги даврлар сони.

Аннуитет коэффиценти ва йиллик тўлов миқдори қуйидагини ташкил этади:

$$A = 0,319777841794787 \times 200\,000\,000 = 63\,955\,568,36 \text{ сўм.}$$

Молиявий ижара (лизинг) шартномалари бўйича операциялар амалга оширилганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд⁷.

Мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилса, ижарага берувчи (лизингга берувчи)нинг солиқ базаси барча даврий ижара (лизинг) тўлови суммаси (ш.ж.,

⁶ «Лизинг тўғрисида»ги Қонун 2-м. 1-қ..

⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 249 моддаси.

қайтариб сотиб олиш суммаси, агар шартномада шундай сумма назарда тутилган бўлганда) сифатида, ижарага берувчи (лизингга берувчи)нинг фоиз ҳисобидаги даромади чегирилган ва солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади. Ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара (лизинг) шартномаси шартлари бажарилмагани сабабли молиявий ижара (лизинг) объекти қайтарилса, солиқ базаси ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан объект қайтарилган санада бундай объект учун ўзи тўламаган ижара (лизинг) тўловларнинг суммаси миқдорида фоиз ҳисобидаги харажат чегирилган ва солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

ҚҚС солиғи солишдан озод этилган, олиб кирилган технологик асбоб-ускуна молиявий ижара (лизингга) берилган тақдирда солиқ солинадиган база ушбу асбоб-ускунани сотиб олиш нархи ва реализация нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб аниқланиши лозим.

Объект лизингга топширилганда қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби қандай амалга оширилишини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. ҚҚС тўловчи – лизинг компанияси баланс қиймати 111 300 минг сўм бўлган импорт қилинган ускуна 5 йил муддатга лизингга берди. Мазкур ускуна, импорт қилинганда ҚҚСдан озод этиладиган технологик ускуналар рўйхатига киритилмаган. 5 йиллик лизинг тўловларининг умумий суммаси ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 319777,8 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан, лизинг объектининг қийматини қоплаш суммаси – 200000 минг сўм, лизинг берувчининг фоизли даромади – 119777,8 минг сўм.

ҚҚС, барча даврий лизинг тўловларининг суммасидан келиб чиққан ҳолда, фоизли даромадни ҳисобга олмасдан туриб, яъни 200 000 минг сўмдан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади (1-жадвал).

Даврлар	Йиллик лизинг тўлови, сўм	Лизинг берувчининг фоизли даромади (18%), сўм	Лизинг объекти қийматини қоплаш суммаси, сўм	Асосий қарз қолдиғи, сўм
2023 й. 1 январь ҳолатига				200000000,00
2023 й. январь–декабрь	63955568,36	36000000,00	27955568,36	172044431,64
2024 й. январь–декабрь	63955568,36	30967997,70	32987570,66	139056860,98
2025 й. январь–	63955568,36	25030234,98	38925333,38	100131527,60

декабрь				
2026 й. январь– декабрь	63955568,36	18023674,97	45931893,39	54199634,21
2027 й. январь– декабрь	63955568,36	9755934,15	54199634,21	0,00
ЖАМИ	319777841,80	119777841,80	200000000,00	

1-жадвал. Даврий лизинг тўловлари ҳисоб-китоби

Ускунани лизинг олувчига топширганда «стандарт» турдаги электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ)ни расмийлаштириш лозим. Унда фақатгина лизинг объектини қоплаш қийматини кўрсатилади. ҚҚСдан озод этилган фоизли даромад суммасига ҳар ойда ҚҚС бўйича имтиёз мавжудлиги белгиси билан алоҳида худди шу турдаги электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади. Бунда имтиёз (имтиёз коди – 103278) 10406003004000000 «Молиявий ижара (лизинг) учун мол-мулкни тақдим этиш бўйича фоизли даромадлар» МХИК кодини танлашда автоматик равишда ЭХФда акс этирилади. Комиссион фаолиятдан эса, шу жумладан мол-мулкни молиявий жарима (лизинг)га беришдан олинadиган фоизли даромадлар кўрсатилади.

Хулоса ва таклифлар.

Молиявий ижара механизмлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Мамлакатимизда молиявий ижара муносабатларини янада ривожлантириш, бунда назария ва амалиётни умумлаштирган ҳолда тадбиқ этиш, бу йўналишда ривожланган хорижий давлатларда молиявий ижара фаолиятининг ташкилий шакли, усул ва қўллаш механизмларини атрофлича чуқур таҳлил қилинишни тақазо этади.

Фикримизча, молиявий ижара (лизинг)нинг қулайлиги ва унинг афзалликларини қайд этиш ҳамда ушбу механизмларни амалиётда қўллашда юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топиш ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишга самарали хизмат қилиши мумкин деган хулосага келиш учун етарлидир деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ижара (лизинг) фаолияти мавзусида тадқиқотларнинг камлиги кузатишмоқда, лизинг операциялари макроиқтисодий ҳодиса сифатида тўлиқ ўрганилиши лозим.

Ижара бозори инфратузилмасининг етарли ривожланмаганлиги, молиявий ижарага оид маълумотлардан аҳоли ва бизнеснинг хабардорлик даражаси пастлиги, молиявий ижара операцияларини амалга ошириш учун кадрлар малакаси, молия

ва бошқарув борасида компетентлик етишмаслиги каби айрим муаммоларни ҳам қайд этиш жоиздир.

Шунинг билан бирга, халқаро молиявий ижара операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган солиқ, валюта ва сиёсий хатар (риск)ларга ҳам жиддий эътибор қаратиб, уларни бартараф этишга оид тегишли Чора- тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони, 1-илова, т/р. 48.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2009 йил 6 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БХМС) «Ижара ҳисоби» тасдиқлаш тўғрисида 41-сон буйруғи [Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган].
3. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни 2-модда, 1-қ..
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 54 ва 249 моддалари.
5. <https://buxgalter.uz/uz> BuxgalterPro электрон эксперт тизими
6. Lease Europe. Key Facts and figures – 2021 [Электронный ресурс]. – Режим доступа

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

